

ISSN 2091 – 5616

# AGRO ILM

1-сөн [79], 2022



ПАХТАЧИЛИК

|                                                                                                                                                                           |   |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---|
| <b>Б.ЎРОЗОВ.</b> Ўрта топали ғўзанинг оддий ва мураккаб дурагайлаш натижасида яратилган тизмаларнинг айрим биотик омилларга бардошлилиги.....                             | 3 |
| <b>Т.МУХИДДИНОВ, А.ЧОРИЕВ, Ш.ҚОДИРОВА.</b> Турлараро дурагайлашда ота-она шакллари $F_1$ , $F_2$ ва $F_3$ бўғинларининг ўсув давридаги турлараро боғланишини ўрганиш..... | 4 |

ҒАЛЛАЧИЛИК

|                                                                                                                                                                                           |    |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>Ҳ.ЗАРИПОВ, А.ТОҒАЕВ.</b> Кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига кам шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқли шароитда сув ва минерал ўғитларнинг таъсири.....                       | 6  |
| <b>С.ТЕШАБОВЕВ.</b> Кузги юмшоқ ва қаттиқ буғдой навларини агроэкологик синовида баҳолаш.....                                                                                             | 8  |
| <b>У.НАБИЕВ.</b> Кузги буғдой қолдирадиган илдиз ва анғиз миқдорининг азотли ўғитларни қўллаш муддатларига боғлиқлиги.....                                                                | 9  |
| <b>А.АБДУАЗИМОВ, М.ВАФОВЕВА.</b> Кузги буғдой фотосинтетик фаолиятининг илдиздан ташқари озиклантиришга боғлиқлиги.....                                                                   | 11 |
| <b>М.САТТАРОВ, Д.САИТХАНОВА.</b> Шолининг “Лазурный” нави дон ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари.....                                                                                    | 13 |
| <b>А.НОРМАТОВ, Қ.УСМОНОВ, В.ҚОДИРОВ.</b> Urug'lik sholini saqlash davrida uning sifat ko'rsatkichlariga turli xil omillar ta'siri.....                                                    | 15 |
| <b>Д.ДАРМОНОВ, Х.ИДРИСОВ, А.РАСУЛОВ, М.ХОЛИҚОВ.</b> Экиш муддатлари ва меъёрларининг мош ( <i>Phaseolus aureus</i> Piper) навлари поя баландлиги ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш..... | 17 |

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК

|                                                                                                                                                                                                                                      |    |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>Н.АТАМУРАТОВА.</b> Сурхондарё вилояти асалширали ўсимликларнинг нектар маҳсулдорлиги.....                                                                                                                                         | 19 |
| <b>О.САТТОРОВ, Д.ЭГАШЕВА.</b> Ҳар хил экиш схемаларида киви ўсимлиги яшил қаламчаларининг илдиз олувчанлиги ва ривожланиш параметрлари.....                                                                                          | 21 |
| <b>Х.СУЛТОНОВ.</b> Турли шакл бериш усулларининг олхўри навлари фенологик фазаларининг ўтишига таъсири.....                                                                                                                          | 23 |
| <b>М.ИСАМИДДИНОВ.</b> Сақлашга мўлжалланган шафтоли ( <i>Prunus persica</i> L.) меваларининг органолептик кўрсаткичлари.....                                                                                                         | 26 |
| <b>А.АЗИЗОВ, Н.ЮСУПОВ, Г.БОЗАРОВА.</b> Узумнинг Фарғона вилояти Олтиариқ туманида етиштирилган “Хусайни” (келинбармоқ) нави механик, кимёвий ва физиологик жараёнларининг сақлашдан олдинги ва кейинги ўзгаришини назорат қилиш..... | 28 |
| <b>Ш.ИСМОИЛОВ, Ф.ИСОҚОВ, А.ҒАФУРОВ, Р.НОРМАХМАТОВ.</b> Беҳи меваси — микронутриентларнинг муҳим манбаидир.....                                                                                                                       | 30 |

|                                                                                                                                                                               |    |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>А.ҒАФУРОВ, Р.НОРМАХМАТОВ.</b> Узум ғўробининг кимёвий таркиби ва хоссалари.....                                                                                            | 31 |
| <b>Ҳ.АБДУЛЛАЕВА, А.ҚОСИМОВ, С.ШОДИЕВ, А.ПАРДАБОВЕВ.</b> Крижовник ўсимлигининг халқ хўжалигидаги аҳамияти.....                                                                | 33 |
| <b>Ю.САИМНАЗАРОВ, М.ТУРДИЕВА, Ш.АХМЕДОВ, И.АКБАРАЛИЕВ, О.ЖЎРАЕВ, С.АБДУРАМАНОВА, М.ИСРОИЛОВ, У.МАМАТОВ.</b> Уруғли мевалар пайвандтагларининг ўсиб ривожланишини ўрганиш..... | 34 |
| <b>А.ELMURODOV, Y.ABDULLAYEVA, U.DJAMALOVA.</b> Topinambur urug'lik mini-tuganaklarni in vitroda olish va ko'paytirish..                                                      | 36 |
| <b>А.ТУРСУНКУЛОВА.</b> Сидерат экинларининг ўсиши, ривожланиши ва биомасса ҳосилдорлиги.....                                                                                  | 38 |
| <b>Н.ХУШВАҚТОВ.</b> Иситилмайдиган иссиқхона шароитида турли муддатларда экилган аччиқ қалампир навларининг морфологик таснифи.....                                           | 39 |
| <b>Т.НОРМАТОВ.</b> Бақлажон навларининг қурғоқчиликка чидамлилигини лаборатория шароитида ўрганиш.....                                                                        | 41 |
| <b>М.ЮЛЧИЕВА, Ф.ДУСМУРАТОВА.</b> Оддий дастарбош – <i>Tanacetum vulgare</i> L. нинг уруғ унувчанлиги ва биологияси.....                                                       | 44 |

ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ

|                                                                                                                                                              |    |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>Э.УМУРЗОҚОВ, А.МАХМАТМУРОДОВ, О.ПЎЛАТОВ, Ш.НЕГМАТОВ.</b> Ёнғоқнинг ихтисослашган сўрувчи зараркунандалари ва уларнинг миқдори кимёвий усулда бошқариш.... | 46 |
| <b>А.КОЖЕВНИКОВА.</b> Мониторинг вредных видов цикадовых семейства Aphrophoridae северного Узбекистана.....                                                  | 47 |

ЧОРВАЧИЛИК

|                                                                                                                                                                    |    |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>У.АСРАЕВ, К.ХИДИРОВ, Ф.БАХРИДДИНОВ.</b> Ёш симментал зотли бузоқларнинг ўсиш ва ривожланишига озиклантириш даражасининг таъсири.....                            | 49 |
| <b>А.НУРМАТОВ, О.ШАРИПОВ, А.СОБИРХОНОВ, Г.ДАДАЖОНОВА, О.ТУРДИМОВ.</b> Тошкент вилоятида спорт отлари учун сунъий яйловлар яратишдаги тадқиқотлар натижалари.....   | 51 |
| <b>Р.ТУРГАНБАЕВ, Ю.СУЛТАНОВ.</b> Гематологические показатели молодняка курдючных овец в условиях Каракалпакии.....                                                 | 54 |
| <b>Э.ХАМДАМОВА, Г.СУВОНОВА, Э.ИСОҚОВА.</b> Ем-хашак захирасини яратишда ноанъанавий ўсимликлардан фойдаланиш.....                                                  | 56 |
| <b>М.РАХМАТАЛИЕВ, Г.ТОШХЎЖАЕВА.</b> Ўзбекистонда паррандачиликни озуқа билан таъминлашда соянинг ўрни ва аҳамияти.....                                             | 58 |
| <b>К.ИСМОИЛХЎЖАЕВ, У.АКРАМОВ.</b> Республика, шу жумладан, Фарғона водийси табиий сув ҳавзаларида карп балиқларини етиштиришда қафас мосламаларининг аҳамияти..... | 59 |
| <b>А.СУВАНОВ.</b> Asalarichilikning texnik samaradorligi.....                                                                                                      | 61 |

# ОДДИЙ ДАСТАРБОШ – *TANACETUM VULGARE L.* НИНГ УРУҒ УНУВЧАНЛИГИ ВА БИОЛОГИЯСИ

*The germination capacity of common tansy seeds in laboratory and field conditions has been determined. The biomorphological features and reproduction of this plant by seedlings have been studied.*

Маълумки, ҳозирда аҳолининг доривор ўсимликларга бўлган талаби кун сайин ортиб бориши билан доривор ўсимликларнинг табиатдаги табиий захиралари камайиб, уларнинг тарқалиш ареаллари кескин қисқариб бормоқда. Шу сабабли, табиатда турлари камайиб бораётган, доривор хусусиятга эга бўлган ўсимликларни интродукция қилиш, ўрганиш, кўпайтириш, экиб ўстириш ва хомашёсидан оқилон фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларидандир.

Адабиётлардан маълум бўлишича, *Tanacetum vulgare L.* доривор ўсимлик сифатида халқ табobatiда бир қанча касалликларни даволашда қадимдан ишлатиб келинади. Халқ табobatiда оддий дастарбошнинг саватча тўпгуллари кукун қилиб ёки улардан дамлама тайёрлаб, меъда ичак касалликларида (гастритлар, энтеритлар, колитларда) ел ва ўт ҳайдайдиган, шунингдек, гижжаларга қарши восита сифатида ишлатилган. Қовуқ, жигар, буйрак касалликлари, подагра, ревматизм, бош оғриғи, аёлларда қон кетиш цикли бузилганда, ҳароратни туширишда, асаб касалликлари, шамоллаш касалликларини даволашда ҳам улардан фойдаланилган [4].

Илмий тиббиётда оддий дастарбош тўпгуллари меъда-ичак касалликлари, аскаридоз, лямблиоз, гепатит, холецистит, ўт-тош касалликларида қўлланилади.

Саватча тўпгуллاردан олинган танацин препарати замонавий тиббиётда ўт ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. Оддий дастарбош таркибидаги эфир мойи гижжалар ва ҳашаротлар (куя, бурга, пашша)га қарши таъсир кўрсатиш хусусиятига ҳам эга [5].

Оддий дастарбош тўпгулларида тайёрланган дамламадан ичиб турилса, меъда ва ўн икки бармоқ яраси эт олиб, битиб кетади. Ўсимлик ўти ва тўпгулларида ошловчи моддалар борлиги туфайли, бу ўсимликдан яллиғланишга даво қилишда фойдаланилади [3].

Юқорида баён этилган маълумотларни эътиборга олиб, оддий дастарбош ўсимлигини интродукция шароитида уруғидан ва кўчатидан кўпайтиришни мақсад қилиб қўйилди.


Оддий дастарбош ўсимлиги уруғларининг унвчанлигини аниқлаш учун ГОСТ 203666 ва М. К.Фирсова усулидан фойдаланилади [2]. Ўсимликнинг биоморфологик хусусиятлари Т.А.Работнов, И.Г.Серебряков тавсия этган услублар билан ўрганилади [1].

Оддий дастарбош – *Tanacetum vulgare L.* интродукция шароитига мослашиш хусусиятларини аниқлаш учун ўсимлик уруғи ва кўчатларидан фойдаланилди.

*Tanacetum vulgare L.* уруғлари майда, чўзиқ, асосига томон торайган, узунлиги 1,5-1,75 мм, эни 0,4-0,5 мм ни ташкил этади. 1000 дона уруғининг оғирлиги ўртача 0,2 г. га тенг. Ўсимлик уруғларини тупроққа экишдан олдин унинг унвчанлиги хона шароитида ундириб кўрилди. Оддий дастарбош уруғларини унвчанлигини лаборатория шароитида аниқлаш учун бир йил сақланган уруғлар олинди.

Табиатдаги кўпчилик ўсимликлар уруғларининг униши учун қулай ҳарорат +20-24°C деб ҳисобланади. Оддий дастарбош уруғларини унвчанлигининг аниқлаш учун оптимал деб ҳисобланган ҳароратларда лаборатория шароитида ундириб

кўрилди. Уруғларнинг унвчанлиги экишга яроқлилигини белгилайдиган энг муҳим хусусиятлардан бири бўлиб, унвчанлик экиннинг қалинлигига, ўсимликларнинг бирйўла яхши ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Уруғларнинг униб чиқишига лаборатория шароити энг қулай бўлганлиги учун очиқ майдонларга экилган уруғларнинг унвчанлигига нисбатан доимо юқори бўлади. Шундай бўлса ҳам, уруғларнинг лаборатория шароитида аниқланган унвчанлиги, экишга яроқлилик сифатларини етарлича яхши ифодамайди. Ўсимлик уруғларининг лаборатория шароитида унвчанлигини аниқлаш мақсадида, Петри ликобчасига дистилланган сув билан намланган филтр қоғоз қўйиб, унинг устига 100 донадан уруғ солинди ва хона шароитида 4 карра такрорланган ҳолда икки хил ҳароратда ўстириб кўрилди (1-расм). Уруғлар 15-20°C ҳароратда ундирилганда кузатувларнинг учинчи куни уна бошлади. Униб чиққан уруғлар ўртача 2% ни ташкил қилди. Кузатувларнинг тўртинчи кунига келиб, унвчанлик ўртача 5%, олтинчи куни 9%, еттинчи куни 12%, саккизинчи куни 15%, ўн учинчи куни эса 2% ва ўн бешинчи куни 2% бўлганлиги аниқланди. Кузатувлардан маълум бўлишича, уруғлар экилгандан 7-8-кун энг юқори унвчанлик узатилди.



1-расм. Оддий дастарбош уруғларининг лаборатория шароитида унвчанлигини аниқлаш.

Уруғлар +20-25°C ҳароратда ундирилганда, иккинчи кундан бошлаб уна бошлади ва унвчанлик 3% бўлганлиги аниқланди. Кузатувларнинг учинчи куни уларнинг сони ўртача 6% га етди. Тўртинчи ва бешинчи кунлари ўртача 28% ни, олтинчи куни 25% ни, еттинчи ва саккизинчи кунлари 14% ни ташкил қилди. Тўққизинчи куни ўсимлик уруғларининг унвчанлиги кузатилмади. Учинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи кунлари уруғ унвчанлиги кузатилди ва ўртача 2-2-3% ни ташкил этиб, ўн бешинчи куни яна 2% уруғларнинг унвчанлиги аниқланди. Бу ҳароратда уруғларнинг асосий қисмининг унвчанлиги 5-6-кунларга тўғри келди. Тажрибаларнинг кўрсатишича, ҳарорат +15-20°C бўлганда уруғларнинг унвчанлиги 15-17 кун давомида 47% ни, +20-25°C да уруғларнинг униши 15-17 кун давомида 85% ни ташкил қилди.

Уруғларнинг дала шароитида унвчанлиги уларнинг экиш муддати ва чуқурлигига ҳам боғлиқ. Оддий дастарбош уруғларининг унвчанлигини дала шароитида аниқлаш мақсадида уруғлар эрта баҳорда 2 хил муддатда экиш режаланди. Март ойининг биринчи ва учинчи декадасида ўсимлик

уруғлари олдиндан тайёрлаб қўйилган майдонларга экилди. Уруғларни экиш чуқурлиги 0,5-1 см ни ташкил қилди. Март ойида ҳаво ҳарорати ўртача +12-15°C ни ташкил этди. Ойнинг биринчи декадасида (05.03.) экилган уруғлар 19 кунда униб чиқди ва 10-12% ни ташкил қилди, 25-куни унвчанлик 40-42% бўлиб, 30-куни 45-52% га етди.

Март ойининг учинчи декадасида (27.03.) экилган уруғлар 12 кунда униб чиқди ва ўртача 12-15% ни, 25-куни 45-50% ни, 30-куни 58-72% ни ташкил қилди. Бу вақтда ҳаво ҳарорати ўртача +20-22°C ташкил этганлиги кузатилди.

Оддий дастарбош ўсимлигини уруғдан кўпайтириш учун экиладиган ерлар кузда 25-28 см чуқурликда чопиб тайёрланди. Уруғлар эрта баҳорда (22.III.) тупроққа бир текис экилиши учун чириган гўнг ёки қумга аралаштириб, 0.5 см чуқурликда экилди.

Март ойининг охирида экилган уруғлар 10-12 кунда униб чиқди. Майсаларнинг ўсиши дастлабки кунларда жуда секин, кунлар исиши билан бироз жадаллаша борди. Майсалар 3-4 чин барг чиқаргач, уларни бегона ўтлардан тозаллаб, қатор оралари юмшатилди. Майсаларнинг яхши ривожланиши учун ҳар бир уяда 1-2 та ўсимлик кўчати қолдириб ягана қилинди. Уларнинг оралари 10-12 см дан кам бўлмаслиги керак. Апрель ойининг охирига бориб, ўсимликлардаги барглар сони 6-7 та бўлиб, уларнинг узунлиги 9 см ни, барг банди эса 2-3 см ни ташкил қилди. Май ойида баргларнинг сони 8-10 тага етиб, барг банди 4-5 см, барг узунлиги 10-12 см ни ташкил этди. Июнь ойида ўсимлик кўчатлари жадал ўсди ва барг сони 11-13 та, барглар узунлиги 14 см, барг банди 5-6 см га ўсганлиги кузатилди. Июль ойида ўсимликларда бу кўрсаткичлар мувофиқ ҳолда 14-15, 15, 7 см ни ташкил этди. Ўсимликнинг биринчи йилги вегетацияси охирида барглар сони 14-17 та, баргларнинг узунлиги 18 см, барг банди 8 см га ўсганлиги кузатилди.

Дастлабки вегетация йилида ўсимликларда тўпбарглар ҳосил бўлиб, генератив аъзолар шаклланмади. Иккинчи вегетация йилида ўсимликлар майдонда зичлашганлиги сабабли, ўсимлик ниҳоллари ораларини сийраклаштириш ва бошқа майдонларга экиб, плантациялар ҳосил қилиш мумкин.

Кўп йиллик доривор ўсимликлардан қисқа муддатларда ҳосил олиш учун уларни кўчатлари орқали кўпайтириш энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. Доривор ўсимликлар кўчатларини етиштириш учун олдиндан яхшилаб ишлов берилган ва биогумуслар билан бойитилган майдонларга эрта баҳорда ўсимлик уруғлари экилди. Баҳорда экилган уруғлардан кўчатлар келаси йил баҳорда тайёр бўлиб, доимий жойга кўчириб ўтказилади. Оддий дастарбош ўсимлигининг кўчатларини март ойининг 2-декадасида агротехник қоидаларга амал қилиб, эгатларга кўчатлар 10-12 см ораликда экилди. Оддий дастарбошнинг иккинчи йилги вегетацияси март ойининг охирларидан бошланиб, бу ойининг 3-декадасида кўчатларнинг ўсиши суст бўлиши кузатилди. Апрель ойининг биринчи декада-

сида кўчатларнинг баландлиги 3,5-4,0 см, барглар сони 4 та, узунлиги 5 см, барг банди 3 см ни ташкил қилди. Май ойининг иккинчи декадасида ўсимликларда асосий поялар ҳосил бўлиб, уларнинг баландлиги 45 см, барглар сони 11 та, баргларининг узунлиги 18 см, барг банди узунлиги 5 см ни ташкил қилди. Июнь ойида ўсимликнинг асосий поясининг узунлиги 65 см, баргларининг сони 18 та, узунлиги 20 см, банди 5 см га етганлиги кузатилди. Июль ойида ўсимликнинг асосий поясининг узунлиги 87 см, барг банди 6,5 см га етди. Иккинчи вегетация йилида ўсимликлар генератив даврга ўтиб, ғунчалаш фазаси июль ойининг охири декадасида, гуллаш фазаси август ойида бошланди ва вегетация охиригача давом этди. Иккинчи вегетация йили октябрь ойининг охирида оддий дастарбошнинг уруғи пишиб етилганлиги кузатилади. Вегетация охирида асосий поялар 95 см, улардаги барглар сони 21 та ни, узунлиги 24 см ни, барг банди 7 см ни ташкил этди (2-расм).



**2-расм. Оддий дастарбош иккинчи вегетация даври ўсиши.**

**Хулоса:** Шундай қилиб, оддий дастарбош уруғининг лаборатория шароитида униши учун оптимал ҳарорат +20-25°C бўлиб, унвчанлик миқдори 85% ни ташкил қилди. Дала шароитида эса +20-22°C деб қайд этилди ва унвчанлик 72% га етди.

Оддий дастарбош кўп йиллик ўсимлик бўлгани учун уни эрта баҳорда ва кузда уруғи ва илдиэпоясидан экиб кўпайтириш мумкин. Ўсимлик республикамиздаги типик бўз тупроқларда яхши ўсади. Ўсимликларни вегетатив йўл билан кўпайтириш кенг майдонларда плантациялар ташкил этишга ёрдам беради.

**Мавлуда ЮЛЧИЕВА,**  
б.ф.н., доцент,  
**Феруза ДУСМУРАТОВА,**  
б.ф.н., доцент,

Тошкент фармацевтика институти.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Серебряков И.Г. Морфология вегетативных органов высших растений. –М.: Колос, 1952. – С. 321.
2. Фирсова М. К. Семенной контрол. - М.:1969. –С. 295.
3. Ковалёва Н.Г. Лечение растениями. - М.: Медицина 1972. – С. 350.
4. Алтымышев А. Лекарственные богатства Киргизии. – Фрунзе: Киргизистан. 1976. – С. 350.
5. Каримов В, Шомахмудов А. Халқ табobati ва замонавий илмий тибда қўлланиладиган шифобахш ўсимликлар. - Тошкент: Ибн Сино нашриёти. 1993 й. 318 б.